

## Маҳалла ёшларига маслаҳат

Буюқ шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий эътироф этганларидек, “китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, ғамхўринг бўлгай у ғамли замонда.” Бундай мазмундаги ҳикматлар халқ хазинасидан ҳам ўрин олган. Жумладан, “Китобсиз ақл – қанотсиз қуш”, “Билим – ақл чироғи”, “Гўзаллик – илму маърифатда”. Неча минг йиллардан буён инсонларга тӯғри йўлни кўрсатиб келаётган, уларнинг билимли, тарбияли, қасб-ҳунарли ва албатта баҳтли бўлишининг муҳим омили – бу китобга дўст бўлиш, ва китоб ўқишни канда қилмасликдир. Айниқса, ёшларнинг ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундейди.



Институт ректорининг 2021 йил 10 майдаги “Институтга бириклилаган маҳаллаларда манзилли ишларни олиб бориш тўғрисида”ги 228 А/Ф-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетига бириклирган “Оқибат” маҳалласи ёшлари ҳамда фаоллари билан юқоридаги мавзууда давра суҳбати ташкил этилди.



“Оқибат” маҳалласи раиси М. Юлдашева, Ўқув ишлар бўйича проректор Б.Худаяров, ГИМ факультети декани Б.Норов, иқтидорли шоир Бобомурод Одилов, институт доценти Р. Жуманиёзовлар мавзу юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирилар. Маҳалла ёшларига мотивация берилди. Улар ўзларининг келажакдаги мақсадлари ҳақида ҳам сўзлаб, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишди.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**